

Ҳажжи бадал ва унга тааллуқли масалалар

05:00 / 16.01.2017 4453

Ҳажжи бадал қандай узрлар сабабли жоиз бўлади?

Зиммасига ҳаж фарз бўлган ҳар қандай киши номидан бошқа бир кишини ҳажжи бадал қилиш учун жўнатиш жоиз эмас. У, яъни ҳажжи бадал фақатгина (зиммасига ҳаж фарз бўлгандан сўнг) ҳаж қилиш имконига эга бўлмаган кишилар: масалан, соғайиб кетишига умиди қолмаган бемор ёки ўта заиф киши ёки ҳаж фарз бўлгандан сўнг ҳаж қилмасдан вафот этган киши томонидангина дуруст бўлади. Агар шундай узрлар бўлмаса, ҳажжи бадал қилдириш жоиз бўлмайди.

("Раддул мухтор", "Фунятун носик").

Ҳажжи бадал қилдирган бемор соғайса

Соғайиб кетишига умиди қолмаган бемор киши ўз номидан ҳажжи бадал қилдирганидан сўнг тузалиб қолса, нима қилади?

Беморлигидан шифо топишига умиди қолмаган (зиммасига ҳаж фарз бўлган) киши ўз номидан ҳажжи бадал қилдирган эди. Иттифоқо, ҳажжи бадалдан сўнг ўзи бориб ҳаж қила оладиган даражада тузалиб, саломат бўлиб қолди. Бундай суратда унинг номидан адо этилган ҳажжи бадал билан зиммасидаги фарз ҳаж адо бўлган, деб ҳисобланади. Унга иккинчи бор ҳаж қилиш лозим бўлмайди.

("ад-Дуррул мухтор").

Узрнинг йўқ бўлиб кетишига умид бор бўла туриб ҳажжи бадал қилдириш

Келажакда узридан халос бўлишига кўзи етган ҳамда умиди бўлган киши ўз номидан бошқа кишини фарз ҳажни адо этиш учун жўнатди. Унинг номидан адо этилган ҳажжи бадалдан сўнг Аллоҳ таоло уни узрдан халос қилди ва у ўзи бемалол бориб ҳаж қилишга қодир бўлди. Бундай суратда мазкур кишининг номидан адо этилган ҳажжи бадал фарз ҳаж ўрнига ўтмайди ва унга иккинчи бор ҳажни адо қилиш лозим бўлади.

("Фатово Маҳмудийя")

Тирик кишининг узри ҳақидаги тафсилот

Юқоридаги масалалар учун усулий ҳукм шуки, зиммасига ҳаж қилиш фарз бўлган, лекин уни адо этмасдан вафот этиб кетган киши номидан унинг вафотидан сўнг қилдирилган ҳажжи бадал шубҳасиз ва бирор қайдсиз жоиздир. Бироқ, баъзи тирик кишилар борки, уларга ҳаж қилиш фарз бўлса ҳам, узр сабабли уни адо этишга қудратлари етмайди. Бундай тирик кишининг ўз номидан қилдирган ҳажжи бадали жоиз бўлиши учун қайд ва шартлар мавжуд. Тирик кишининг узри икки хил бўлиши мумкин:

1. Йўқ бўлиб кетишига умид қилинадиган узрлар. Масалан, қамалиб қолиш ёки касалга мубтало бўлиш. Бундай узрли кишилар номидан ҳажжи бадал қилдирмасдан, узр йўқ бўлишини кутиш лозим. Агар у узри йўқ бўлишини кутмасдан ҳажжи бадал қилдирса, сўнг узридан халос бўлса (масалан, қамоқдаги киши озодликка чиқса ёки бемор киши соғайиб кетса), унга иккинчи бор ўзи фарз ҳажни адо қилиши лозим бўлади. Унинг номидан адо этилган ҳажжи бадал эса у учун нафл ҳаж бўлиб қолаверади. Агар мазкур ҳажжи бадалдан сўнг узри йўқ бўлмаса (масалан, қамоқда вафот этса ёки тузалишидан умид бўлган бемор вафот этса), у ҳолда унинг номидан қилинган ҳажжи бадал дуруст ҳисобланади.

2. Йўқ бўлиб кетишига умид қилинмайдиган узрлар. Масалан, кўрлик ёки чўлоқлик. Бундай узрли кишилар ўз ўлимларини кутишлари лозим эмас. Балки, тириклик чоғларидаёқ ўз номларидан ҳеч қандай иккиланишсиз

ҳажжи бадал қилдирсалар, бўлаверади. Тасодифан, ҳажжи бадалдан кейин узрдан буткул халос бўлиб, ўзлари ҳаж қилишга қодир бўлиб қолганларида ҳам, уларга иккинчи бор ҳаж қилиш лозим бўлмайди.

("Ғунятун носик").

Ҳажжи бадал учун ният ва эҳром

Ҳажжи бадал қилувчи киши эҳромга кираётган вақтда буюрувчининг номидан дил билан ният қилиши лозим. Албатта, эҳромга кириш чоғида тил билан ҳам "Мен фалони номидан ёки фалонининг ҳажини адо этиш учун эҳромга киряпман", деб айтиш янада яхшидир. Ният қилиб, талбия айтгач, у мукамал тарзда ҳажжи бадал учун эҳромга кирган ҳисобланади.

("Ғунятун носик")

Эҳромга кириш чоғида дилдаги ният эътиборга олинади

Эҳромга кираётган кишининг дилидаги нияти эътиборга олинади. Яъни, эҳромга кираётган киши фалони номидан ҳаж ёки умра қилишни дилидан ният қилиб, талбия айтса, кифоя. Агар дилидаги нияти билан бирга тилида ҳам "Мен фалони номидан эҳромга киряпман" деб айтса, янада яхшироқ бўлади. Агар кимнинг номидан ҳаж қилаётганини эсидан чиқариб қўйса, у ҳолда "Мени ҳаж қилишга буюрган киши номидан эҳромга киряпман", деб ният қилса, бўлди.

("Мабсут", "Ал-масолик фил маносик", "Ғунятун носик").

Тайин қилмай мутлақ ҳажга ният қилишнинг ҳукми

Маъмур (ҳажжи бадал қилувчи) омир (буюрувчи) номидан ҳажжи бадал қилиш нияти билан эҳромга кириши керак.

Айтайлик, бир маъмур бундай қилмай, балки, мутлақ ҳаж ёки умра нияти билан эҳромга кирди. Бу суратда у Маккаи мукаррамага бориб, ҳаж ёки умра амалларини бошлашидан аввал буюрувчининг номидан ҳажжи бадал қилишни ният қилиб олса, бўлаверади. Агар у мутлақ ҳаж ёки умра нияти билан эҳромга кириб, амалларни бошласа-ю, лекин бу орада буюрувчи номидан ҳаж ёки умра қилишни ният қилиб олмаса, у ҳолда мазкур ҳаж омирнинг эмас, балки, маъмурнинг ҳажи ҳисобланади, яъни маъмур томонидан адо этилган ҳаж омирнинг ҳажжи бадали ўрнига ўтмайди. Сафар ҳаражатлари ҳам маъмурнинг зиммасига тушади ва унга омирдан олган пулларни қайтариб бериш лозим бўлади.

("Фунятун носик").

Буюрувчининг ҳукмига хилоф қилиш жоиз эмас

Агар буюрувчи ифрод ҳажига ҳукм қилган бўлса, ифрод ҳажи қилиш лозим бўлади. Агар таматтуъ ёки қиронга ҳукм қилган бўлса, таматтуъ ёки қирон лозим бўлади. Агар умрага ҳукм қилган бўлса, умра қилиш лозим бўлади. Хуллас, буюрувчи ҳажнинг қайси турини буюрган бўлса, ўшани белгилаб, эҳромга кириш вожибдир. Шунинг учун, агар у ҳаж қилишга буйруқ қилган бўлса-ю, ҳажжи бадал қилувчи умрага эҳром боғлаб олса ёки ифрод ҳажига буйруқ қилган бўлса-ю, лекин у таматтуъ ёки умра учун эҳромга кирса, у ҳолда ҳажжи бадал қилувчи буюрувчининг ҳукмига хилоф қилгани сабабли бу ибодат ҳажжи бадал қилувчининг номидан бўлган, деб ҳисобланади ва унга буюрувчининг сарф-ҳаражатларини тўлаб бериш лозим бўлади.

Агар ҳажжи бадал қилувчи буюрувчининг номидан эҳромга кирса-ю, лекин, ҳаж ёки умра деб тайин қилмаса, унга умра тавофи ёки Арафот вуқуфидан олдин тайин қилиш имкони бор. Акс ҳолда, буюрувчининг ҳукмига хилоф қилгани сабабли бу ибодат ҳажжи бадал қилувчи номидан адо топади ва у ҳаражатларни эгасига қайтариб бериши лозим бўлади.

("Фунятун носик")

Аёл киши номидан ким ҳажжи бадал қилади?

Аёл киши номидан ҳам, эркак киши номидан ҳам аёл кишининг ҳажжи бадал қилиши дурустдир. Лекин, эркак кишининг ҳажжи бадал қилиши афзалроқ.

("Фатово Раҳимий").

Тирик кишининг ҳажжи бадали қаердан адо этилади?

Зиммасисига ҳаж фарз бўлган, лекин ҳаж қилишга қодир бўлмаган узрли киши ҳаётлик чоғидаёқ номидан ҳажжи бадал қилдирмоқчи бўлса, ҳажжи бадал қилувчини у киши ўз ватанидан жўнатиши лозим бўлади. Агар унинг ватани иккита бўлса, қайсисидан хоҳласа, ўшанисидан ҳажжи бадал қилдириши жоиздир. Албатта, унга ҳажжи бадални Маккаи мукаррамага яқин бўлган ватанидан қилдириш афзалдир.

("Фатово Қозихон", "Раддул муҳтор").

Марҳумнинг ҳажжи бадали қаердан адо этилади?

Зиммасига ҳаж фарз бўлган кишига уни (ҳажни) адо этишидан олдин ўлим келиб қолди. У ўлими олдидан меросхўрларига ҳажжи бадал қилдиришлари ҳақида васият қилди. Агар марҳумдан қолган тариканинг (мероснинг) учдан бир қисми унинг ватанидан ҳаж қилишга одам жўнатиш учун етса, у ҳолда ўша ердан (марҳумнинг ватанидан) ҳажжи бадал қилдириш лозим бўлади. Бошқа жойдан жўнатиш жоиз эмас.

("Раддул муҳтор").

Жуда кўп кишилар ҳажжи бадал қилдириш учун Маккаи мукаррамага пул жўнатиб, ўша ердан ҳаж қилдирадилар. Улар мана шу шартларни мулоҳаза қилишлари зарур.

Мероснинг учдан бири ватандан ҳаж қилдиришга етмаса, ворислар нима қилади?

Киши ўлимидан олдин ҳажжи бадал қилдиришга васият қилса ва шу билан бирга ундан қолган тариканинг (мероснинг) учдан бири ватанидан ҳаж қилдириш учун етса, у ҳолда ворисларга ҳажжи бадал учун у(марҳум)нинг ватанидан одам жўнатиш вожиб бўлади. Борди-ю, мероснинг учдан бири унинг ватанидан ҳаж қилишга одам жўнатиш учун етмаса, қаердан пули етса, ўша ердан ҳажжи бадал қилдириш лозим бўлади.

("Китобул фикҳ").

Ҳажжи бадал васиятда айтилган жойдан қилдирилади

Агар киши ўлимидан олдин ватанидан бошқа жойдан ҳажжи бадал қилдиришга васият қилган бўлса, меросхўрларга ўша (васиятда айтилган) ердан ҳаж қилдириш вожиб бўлади. Албатта, мерос молининг учдан бири шунга кифоя қилиш шарти билан.

("Ғунятун носик").

Молнинг учдан биридан қайта-қайта ҳажжи бадал қилдириш

Агар киши ўлимидан олдин тарика, яъни меросимнинг учдан бирини ҳаж қилдиришга сарф қилинлар, деб васият қилса, ворислар умумий тариканинг учдан бирини ҳаж қилдиришга сарфлашлари лозим бўлади. Тариканинг учдан бир қисми неча марта ҳаж қилдиришга етса, ўшанча

марта ҳаж қилдириш лозимдир. Айтайлик, ўша васият қилувчи кишидан қолган тариканинг учдан бир қисми 10 марта ҳаж қилдириш учун етади. Унинг ворислари хоҳласалар, бир йилда 10 кишини ёки 10 йил давомида ҳар йили биттадан кишини ҳажга жўнатсалар ҳам бўлаверади. Лекин, фуқаҳолар васиятни амалга оширишда шошилиш афзал эканлигини эътиборга олиб, бир йилда 10 кишини жўнатиш яхшироқ, деб айтганлар.

("Бадойиъус санойиъ", "Фатово ҳиндийя")

Ҳажжи бадал учун бирор кишини белгилаб қўйиш

Агар киши васиятида "Менинг номимдан фалони ҳаж қилсин" деб айтган бўлса, у ҳолда васият қилган кишининг номидан фалонини ҳажга жўнатиш лозим бўлади. Борди-ю, ҳаж мавсумига қадар фалони ўлиб қолса, бундай суратда бошқа кишини ҳам ҳажга жўнатиш мумкин.

Агар у ўз васиятида "Менинг номимдан фақатгина фалони ҳаж қилсин, ундан бошқаси эмас" деб айтган бўлса-ю, лекин фалони ҳам вафот қилса, у ҳолда васият қилувчининг ўз номидан ҳаж қилдириш тўғрисида қилган васияти ботил (бекор) бўлади. Яъни, васият қилувчидан қолган молнинг учдан бири билан фалонидан бошқа кишини ҳажга жўнатиш жоиз бўлмайди.

("Ғунятун носик")

Буюрилмаган ҳажжи бадални адо этиш

Ўлиmidан олдин ҳажжи бадал қилдиришга васият қилмаган киши номидан унинг қолдирган меросидан сарфлаб ҳаж қилдириш жоиз бўлиши учун барча меросхўрлар балоғатга етган бўлишлари ҳамда улар иттифоқлик билан мерос молидан ҳаж қилдиришга ижозат беришлари заруридир. Агар ҳамма меросхўрлар ҳажжи бадал қилдиришга ижозат берсалар, улар ўз ҳақларини марҳумга ҳадя қилган ҳисобланадилар. Ҳудди шундай, агар бирор меросхўр ёки бегона киши марҳумнинг номидан ўзи

ҳажжи бадал қилса ёки бошқа бирор кишини жўнатса ҳам, марҳумнинг фарз ҳажи адо бўлаверади. Марҳумнинг зиммасига ҳаж фарз бўлмаса-да, бирор меросхўр ёки бошқа бегона одам у учун ҳаж қилдирса, бундай нафл ҳаж ҳам саҳиҳ (дуруст) бўлади.

("Ғунятун носик").

Ҳажжи бадалда таматтуъ

Ҳажжи бадал ҳажжи офоқий ва ҳажжи мийқотий, яъни мийқотдан боғланган эҳром билан адо этиладиган ҳаж бўлиши учун у фақатгина ифрод ҳажи бўлиши керак. Чунки, таматтуъ ҳажиде умра офоқий бўлса ҳам, ҳаж офоқий бўлмайди, балки, маккий бўлиб қолади. Яъни, таматтуъда ҳаж эҳромига мийқотда эмас, балки, Маккаи мукаррамада кирилади. Шунга кўра, фарз ҳажни адо этиш учун жўнатилган маъмур(ҳажжи бадал қилувчи)га фақат ифрод ҳажини қилиш жоиз-у, таматтуъ ҳажини қилиш жоиз эмасдек кўринади. Лекин, чуқур тафаккур қилинса, ҳажжи бадалда маъмур(ҳажжи бадал қилувчи) омир(буюрувчи)нинг ноиб эканлиги маълум бўлади. Омир(буюрувчи)да эса ҳажнинг уччала тури(ифрод, таматтуъ ёки қирон)дан қайси бирини хоҳласа, ўшанисини адо этишга ихтиёр бор. Шундай экан, бундай ихтиёр омирнинг ноиби ҳисобланган маъмурда ҳам бўлиши лозим. Шунинг учун ҳажжи бадалда омирнинг ижозати билан таматтуъ қилиш шубҳасиз жоиз бўлиши керак. Албатта, шукр қурбонлигини омирнинг молидан эмас, балки, маъмурнинг ўз молидан қилиш лозим бўлади. Лекин, омир розилик билан қурбонликка сўйиладиган жонлиқнинг пулини берса, у ҳам жоиздир. Албатта, ҳажжи бадалда ифрод қилишлик анча афзал. Бу замонда офоқийнинг фақат ҳажжи таматтуъ қилиши маъруф ва машҳурдир. Шунинг учун урфан олганда омир тарафидан ҳажжи бадал қилишга ижозат бериш собит бўлади. Алоҳида, очиқ-ойдин айтиб рухсат беришга зарурат ҳам йўқ. Майит тарафидан ҳажжи бадал қилдирилганда ҳам ҳукм шундай. Меросхўрлар ҳаммаси хурсандлик билан унга рухсат берса бас.

Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазлнинг қавлини имом Фаҳриддин Қозихон мана бу лафзлар билан нақл қиладилар: "Омир бошқа кишини ўзи томонидан ҳаж қилишга ҳукм қилса, муносиб шуки, у маъмурга мукаммал

ихтиёр бериб, "Мана бу молни олиб, менинг номимдан қандай ҳажни хоҳласанг қилавер. Хоҳласанг бир ҳаж, хоҳласанг ҳаж ва умра икковини қилгин, хоҳласанг қирон қилгин, мабодо сарф-ҳаражатдан ташқари яна сенда мол ортиб қоладиган бўлса, у ҳам менинг тарафимдан сенга ҳадя", деб айтсин. Токи омир тарафидан маъмурга нисбатан бирор танглик бўлмасин. Шунда маъмур омирга ортиб қолган молни қайтариб бериши лозим бўлмайди.

Алоуддин Ҳаскафий эса омирга шукр қурбонлиги лозим бўлмаслигини мана бу лафзлар билан нақл қиладилар: "Маъмурга қирон ёки таматтуъ ҳажига ижозат берилгач, шукр қурбонлиги унинг (маъмурнинг) ўзига лозим бўлади". Мулло Алий Қорий ҳажжи бадалда омирнинг ижозати билан таматтуъ қилиш билиттифоқ жоиз эканлигини қуйидаги лафзлар билан зикр қиладилар: "Агар маййит ҳажжи таматтуъга ҳукм қилса, маъмурнинг ҳажжи таматтуъ қилиши саҳиҳ (дуруст) бўлади. Салаф имомларимиз ўрталарида бу ҳақда ҳеч қандай ихтилоф йўқ".

Ҳажжи бадал учун бориб, Каъбани кўрганнинг зиммасига ҳаж фарз бўладими?

Савол: Бирор кишининг номидан ҳажжи бадал қилаётган, лекин ўзига ҳали ҳаж фарз бўлмаган кишининг зиммасига Байтуллоҳни кўриши билан ўзининг ҳаж фарз бўлиб қоладими ёки йўқми?

Жавоб: Бу борада аллома Ибн Обидийн раҳимаҳуллоҳ "ал-Баҳрур роиқ" китобининг ҳошияси "Минҳатул Холиқ" да "Мажмаул Анҳур" китобидан: "Бундай кишига Байтуллоҳни кўргандан кейин ўзининг ҳаж фарз бўлади", деган иборани нақл қиладилар. "Раддул муҳтор" китобида ҳам муфтий Абу Суъуд ва Саййид Аҳмад Подшоҳнинг шунга ўхшаш фатволари, шунингдек, шайх Абдулғаний Нобулсийнинг бунга хилоф фатволари нақл қилингандир. У киши (Абдулғаний Нобулсий): "Бундай кишига Байтуллоҳни кўргандан сўнг ўзининг ҳаж фарз бўлиб қолмайди. Чунки, бунда катта ҳараж (қийинчилик) бор. Яъни, бу йил ўзи учун ҳаж қилиб, ҳажжи бадални адо этиш учун эса келаси йил ҳаж мавсумигача Маккаи мукаррамада яшаб туриши ёки уйига қайтиб кетиб, иккинчи бор келиши (одатда) инсоннинг

тоқати етмайдиган нарсадир. Шариат эса бирор кишини бундай кулфатга мукаллаф қилмайди", деб айтадилар.

Демак, шайх Нобулсийнинг фатволарига қараганда, бирор кишининг номидан ҳажжи бадал қилаётган, лекин ўзига ҳали ҳаж фарз бўлмаган кишининг зиммасига Байтуллоҳни кўриши билан ўзининг ҳаж фарз бўлиб қолмас экан. Чунки, у ўзи учун эмас, балки бошқа киши номидан эҳром боғлагандир. Аллома Ибн Обидийн раҳимаҳуллоҳ ҳам ушбу қавлни рожих (қувватли) деб ҳисоблайдилар. Шундай бўлса-да, эҳтиёт юзасидан ҳажжи бадал қилиш учун ўзининг фарз ҳажини адо этиб бўлган кишини жўнатиш афзал ва яхшироқдир.

("Раддул муҳтор", "Минҳатул Холиқ" лар асосида).

Маъмур ҳажжи бадалга берилган пулни йўқотиб ёки ўғирлатса, нима қилади?

Агар маъмур (ҳажжи бадал қилувчи) қўлидаги ҳаж қилиш учун берилган пулни йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйса, унинг зиммасига бировдан қарз олиб ёки ўз ёнидан сарфлаб, ҳажжи бадал қилиш керак бўлади. Кейин ҳажжи бадал қилиш учун кетган пулни омирдан (буюрувчидан) олаверади.

("Ғунятун носик")

Ҳажжи бадалдан ортган пул нима қилинади?

Агар ҳажжи бадал қилувчига бирор хос ихтиёр берилмаган бўлса, ҳажжи бадалдан ортган пулни эгасига қайтариб бериши лозим бўлади. Агар омир (буюрувчи) пулни бераётган вақтда очиқ-ойдин: "Бу пулни ҳаж сафарида хоҳлаганча сарф қилинг. Агар ортиб қолса, у менинг номимдан сизга ҳадя" деб айтган бўлса, у ҳолда ҳамма пуллар маъмур(ҳажжи бадал қилувчи)нинг ихтиёрида бўлади. Қандай хоҳласа, шундай ишлатаверади. Ортиб қолган пулни эгасига қайтариб бериш лозим бўлмайди, балки уни ўз

ҳожати учун ишлатиб юборса ҳам, бўлаверади ("Фунятун носик").

Бундай суратда маъмур бахиллик ва очкўзлик билан пулни кўпроқ орттириб қолса, у ўша пулга эга бўлади, лекин бундай қилиш инсофдан эмас. Чунки, ҳаж сафарида пул сарфлашнинг кўп фазилати бор. Бир ривоятда бир танга эвазига етти юз баробар, яна бир ривоятда эса юз минг баробар савоб хушхабари берилган. Омир(буюрувчи) маъмур(ҳажжи бадал қилувчи)га пулни орттириб қолдириш учун эмас, балки уни иккиланмай ҳамда хижолат бўлмай бемалол ишлатсин, деган мақсадда ихтиёр берган.

Ҳажжи бадалда Мадинаи мунаввара зиёрати

Урф-одатимиз шуки, ҳаж мавсумида ҳар бир ҳаж қилувчи киши албатта, Мадинаи мунаввара зиёратига боради, яъни ҳажга бориш дейилганда Мадинаи мунавварага ҳам бориш тушунилади. Вақтики, бирор кишини ҳажжи бадал қилиш учун жўнатилса, урфда ҳам, одатда ҳам унга буюрувчи томонидан Мадинаи мунавварага ҳам боришга ижозат берилган, деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳажжи бадалда буюрувчининг маблағи билан Мадинаи мунавварага бориш ҳам дурустдир.

Маҳрами бўлмаган аёлнинг ҳажжи бадал қилишга васияти

Маҳрами бор, лекин тўплаган маблағи фақатгина ўзининг ҳажга бориб келишига етадиган ёки икки одамга етадиган маблағи бору, бироқ унга ҳамроҳлик қиладиган бирор маҳрами бўлмаган аёлга ҳаж ибодатини адо этиш фарз бўлмайди. Бундай аёлга молини сақлаб қўйиш ва ўлими олдидан ҳажжи бадал қилдиришга васият қилиш вожиб бўлади.

("Фатово ҳиндийя", "Раддул муҳтор")

Нафлий ҳажжи бадал

Зиммасидаги фарз ҳажни адо этиб бўлган кишининг ўз номидан ёки қариндоши ёки бошқа бирор киши (у хоҳ тирик бўлсин, хоҳ ўлик) томонидан нафлий ҳажжи бадал қилдириши жоиз ва дурустдир. Рожих (қувватли) қавлга кўра, мазкур ҳаж кимнинг номидан адо эттирилган бўлса, ўшанинг томонидан воқеъ бўлади. Ҳаж қилувчига эса амалнинг савоби тегади.

("Жавоҳирул фикҳ")

Нафл ҳажда буюрувчи, яъни номидан ҳаж қилинаётган кишининг узрли бўлиши шарт эмас.

("Раддул муҳтор").

Нафл ҳаж ёки умранинг савобини бошқа кишига бағишлаш

Агар бир киши ўз ёнидан пул сарфлаб, нафл ҳаж ёки умра қилса ва савобини бошқа кишига бағишласа, унинг савоби ўша кишига бориб етади. Адо этилган ҳаж ёки умра эса бажарувчининг ўзига бўлади.

("Жавоҳирул фикҳ").

Ҳажжи бадал нафл ҳаждан афзалдир

Зиммасидаги фарз ҳажни адо қилиб бўлган кишининг бошқа киши номидан ҳажжи бадал қилиши ўзи учун иккинчи бор нафл ҳаж қилишидан афзал ва яхшироқдир.

("Жавоҳирул фикҳ").

Ҳажжи бадал қилувчига бериладиган ажр

Ҳадиси шарифда айтилишича, кимки бошқа киши номидан ҳажжи бадал қилса, унга етти ҳажнинг савоби берилади. Ҳаж эса кимнинг номидан адо этилган бўлса, ўшанга бўлади.

Ота-онаси номидан ҳажжи бадал қилган киши эса ўнта ҳажнинг савобига эга бўлади.

("Ғунятун носик", "Жавоҳирул фикҳ").

Ҳажжи бадал қилувчи сафарда ёки Маккага етиб боргач, бемор бўлса нима қилади?

Ҳажжи бадал қилувчи йўлда ҳаж амалларини адо қила олмайдиган даражада қаттиқ бемор бўлиб қолди. Бундай суратда агар омир "менинг тарафимдан қандай қилиб бўлса ҳам (хоҳ ўзингиз қиласизми, хоҳ бошқага қилдирасизми) ҳаж қилаверасиз", деган бўлса, маъмур бошқа кишини ўзи тарафидан ҳажжи бадалга вакил қилиб юборса бўлаверади. Худди шундай агар Маккаи мукаррамага етиб боргач, (ҳаж амалларини адо қилишдан аввал) бемор бўлиб қолса, Маккаи мукаррамада турувчи бирорта кишини ҳажжи бадал амалларини адо қилиш учун ўзига вакил қилиши ҳам мумкин. Агар омир тарафидан бундай ижозат бўлмаса, унга телефон ёки факс орқали ўзининг бемор бўлиб қолганлиги ҳақида хабар бериб, бошқа кишини вакил қилишга ундан ижозат олади ва қаерда бемор бўлган бўлса, ўша ердан бирор кишини ўз ўрнига ноиб этиб, ҳаж қилдираверади.